



Македония кироли ва тарихдаги энг машхур кўмондонлардан бири бўлган. Македон кироли Филиппнинг ўгли бўлиб, ёшлигида Аристотелнинг тарбиясида бўлган. 336 йилда эрамиздан аввал отаси ўлдирилгандан сўнг Искандар кирол бўлди. Бу вақтда Тебес шаҳрида кўзголон бошланди, ва Искандар ўзининг биринчи юришини кўзголонни каттик бостириш ва шаҳарни вайрон қилиш билан бошлади. 30 минг аҳолини асир олиб, уларни кулликка сотди. Бундай шафқатсиз ҳаракат орқали Искандар юнон провинцияларини тинчлантирди. 334 йилда эса, Искандар Эронга юриш бошлади.

Дарийнинг катта армиясини Граникос дарёси бўйида (ҳозирги Каражабей, Туркия) мағлуб этган Искандар, Осиёга барча йўлларни очиқ берди.

Дарийнинг қўшинини иккинчи марта Иссос водийсида (ҳозирги Искандарун яқинида) мағлуб этганидан сўнг, Искандар Финикияга юриш қилиш учун Тир шаҳрини (Сур) қоршиб олди ва бир муддат ўтиб шаҳарни эгаллади. Кейин Искандар Фаластинга йўл олди ва Газани ўз ичига олган бир қанча шаҳарларни забт этди. Искандар Персия ҳукмронлигида бўлган Мисрга етиб келди ва уни босиб олди. Бу ерда, Нил дарёси бўйида, 332 йилда Искандария (Александрия) шаҳрига асос солди.

Мисрдан сўнг Искандар яна Эронга қайтиб, Осиёнинг чуқур қисмига кириб борди ва Ниневия яқинидаги Эрбил водийсида Дарий қўшини билан юзма-юз келди. Бу жанговар тарихда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, Искандарнинг галабаси билан якунланди. Шу галабадан сўнг Бобилнинг икки шаҳри ҳам таслим бўлди ва Искандар улкан бойликка эга бўлди.

Эрбил жангида Дарий персиялик саркарда томонидан ўлдирилганидан сўнг, Искандар Персия императори бўлди ва дунёнинг барча ерларини забт этишга тайёргарлик кўра бошлади. Хиндистонга йўл олди ва 329 йилда Бухорони забт этди. 327 йилда эса Искандар кўшинлари Хиндистоннинг бой заминларига кириб борди.

Искандар дунёнинг катта кисмини қўлга киритишга ҳаракат қилган илк ҳукмдорлардан бири сифатида тарихга кирди ва Эгей денгизидан шимолий Хиндистонгача бўлган ҳудудларни забт этгани учун "Катта" деб аталди. У Осиё ва Европани ягона давлатга бирлаштиришни истади. Искандар галабалар ортидан бойиди, лекин мағрурлашди ва бузук ҳамда хунук турмуш тарзини бошлади. Қўплаб ёвуз ишлар қилди ва қон тўқди.

Қўплаб йиллик урушлардан сўнг армиясининг заифлашуви ва мамлакатда норозилик пайдо бўлиши уни Бобилга қайтишга мажбур қилди. Арабистонга юриш учун тайёргарлик кўраётган пайтида, бузук турмуш тарзи туфайли касалланиб, қундан-қунга ҳолсизланиб борди.

33 ёшида вафот этди. Унинг жасади Мисрга олиб борилди ва Искандарияда улкан маросим билан дафн қилинди. Унинг вафотидан сўнг, Македон империяси бирликни саклаб қололмади ва тарқалиб кетди.

Абу Муслим тайёрлади